

## ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИНИНГ ЎРНИ

**Юнусова Дилфуза Исраиловна**

Тошкент давлат педагогика университети профессори,

E-mail: [dilfuzaisrailovna@gmail.com](mailto:dilfuzaisrailovna@gmail.com)

**Назаров Илхомжон Усманиевич**

Тошкент давлат педагогика университети катта ўқитувчиси,

E-mail: [Nilxomjon67@gmail.com](mailto:Nilxomjon67@gmail.com)

**Аннотация:** Мақолада олий таълимни модернизациялаштириш шароитида ўқув фанларининг электрон таълим ресурсларига қўйилган талаблар, талабаларни бундай ресурсларни яратишга ўргатиш муаммоси ёритилган.

**Таянч сўзлар:** эдектрон таълим, таълим ресурслари, электрон таълим ресурслари функциялари.

### ROLE OF E-LEARNING RESOURCES IN HIGHER EDUCATION

**Abstract:** The article discusses the requirements for electronic educational resources of academic disciplines in the context of modernization of higher education, the problem of teaching students to create such resources.

**Key words:** e-learning functions, educational resources, electronic educational resources.

Замонавий таълим стандартларини жорий этишда таълим жараёнларини ахборотлаштиришнинг асосий талабларидан бири ўқув фанларида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади ва бу таълим мақсадларини уйғунлаштиришда устуворликга эришишни англатади [1].

Олий таълим муассасаларида таълим ва таълим натижаларидан бири талабаларнинг замонавий компьютер технологияларини ўзлаштиришга тайёрлиги ва ушбу технологиялар ёрдамида олинган ахборотларни келгуси фаолиятларида қўллаш қобилиятини ривожлантириш ҳисобланади [2,3]. Таълим жараёнларини ахборотлаштиришда электрон таълим ресурслари катта аҳамият касб этади.

Электрон таълимнинг асосини электрон таълим ресурслари ташкил этади, улар электрон–рақамли шаклда тақдим этилувчи ҳамда фан мазмуни, унинг тузилиши ва метамаълумотларини ўз ичига олувчи таълим ресурслари ҳисобланади [4].

Электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқишга бир қатор талаблар қўйилган. Жумладан:

- талабанинг ёши ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш;
- ўқитишнинг турли метод ва усулларидан уйғун фойдаланиш;
- дидактик мақсад ва тамойилларни ҳисобга олиш;
- индивидуал таълим траекториясига йўналтириш;
- ўқитувчи ва талабанинг биргаликдаги фаолиятига таяниш;
- ўқув воситаларидан фойдаланишда хавфсизликнинг устуворлиги [5].

О.Д.Рахимов электрон таълим ресурсларини фойдаланувчининг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда автоматик тикланиш имконини берувчи, эгалланган билимни автоматик назорат қилиш тизими билан бирлашган ўқув контентларни узатиш тизими сифатида тушунади. Унинг фикрича, электрон таълим ресурсларини сақлаш ва контентларни тақдим этиш шаклига кўра: алоҳида файллар – анъанавий ресурсларнинг файлли эквивалентлари (жадваллар ва график иллюстрациялардан иборат матнли ҳужжатлар, иллюстрацияларнинг график файллари, аудио–видео форматли файллар в.б.); гиперматнли контентлар – матн, график; мультимедиа элементлари каби электрон ўқув адабиётларнинг элементларидан ташкил топган электрон ўқув адабиётлари ва муайян анъанавий ресурсларнинг электрон эквиваленти сифатида таснифланган [6].

Электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш ўқув жараёнини янгича ташкил этиш имконини беради, бунда талаба ўқув жараёнининг субъекти, унинг фаол ва тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланади. Турли электрон ресурслар таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва талабанинг ўқув-билиш фаолиятини кенгайтириш ҳамда таълим жараёнларида таълимнинг янги усул ва шаклларида фойдаланишга имкон беради: электрон таълим, мобиль таълим, аралаш таълим, тармоқ орқали таълим, автоном таълим, ҳамкорликдаги таълим.

Электрон таълим ресурсини ишлаб чиқишда тизимлилик талабларини тўлиқ қониктирувчи модулли таълим тамойилларидан фойдаланилади [7]. Барча таълим контенти таълим жараёнининг тугалланган қисмларига мос келадиган модулларга бўлинади. Умумий интерфейс билан бирлаштирилган модулли структурадан фойдаланиш, ресурс талабларига кўра унинг функционал имкониятларини кенгайтириш имконини беради. Электрон таълим ресурсларидан фойдаланишда мультимедиалилик, моделлашганлик ҳамда интерфаоллик имкониятларининг мавжудлиги таълим жараёни самарадорлигини таъминланади.

С.Қ.Турсуновнинг таъкидлашича, электрон таълим ресурслари – ўзида ўқув жараёнини таъминлаш вазифасини бажарувчи, электрон кўринишда тақдим қилинган, ўқув ёки ўқитиш методикасига оид маълумотлар [8].

Қўлланилаётган воситалар таълим ресурсларини бажарилиши лозим бўлган педагогик функцияларга боғлиқ. Улар учун ахборот манбаи сифатида электрон дарслик, энциклопедия ёки шунга ўхшаш лойиҳалар бўлиши мумкин. Электрон таълим ресурслари маълум педагогик функцияларни бажаради: намоёиш воситаси, ахборот манбаи, моделлаштириш воситаси (масалан, тадқиқот фаолиятини ўрганиш жараёнида тақлид қилиш), ускунавий восита (талаба мустақил таълимини ташкил этишда), ўқув дастури, тренажер, назорат воситалари, ривожлантирувчи ўйинлар.

Бугунги кунда бўлажак мутахассисларга нафақат тайёр электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш, балки уларни яратиш йўллари, усуллари ва

воситаларини ўргатиш ҳам муҳим ҳисобланади. Бу мураккаб жараён бўлиб, уни бир неча босқичларга ажратиб кўрсатиш мумкин (1–расмга қаранг).



**1-расм. Электрон таълим ресурсларини яратиш босқичлари.**

Электрон таълим ресурсларидан самарали фойдаланиш ва электрон таълимдан кўзланган мақсадларни амалга ошириш учун ахборотлаштириш, глобаллашув ва оммавий коммуникация шароитида талабанинг ахборий маданиятини ривожлантириш, ўқув жараёнининг барча босқичларини техник кучайтириш, олий таълим муассасаларида электрон ахборот-таълим муҳитини яратиш зарур [9].

Олий таълимда ўқув фанларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш долзарблиги талабанинг билим олиш жараёнини янги босқичларга кўтариши учун туганмас манбасининг мавжудлиги билан изоҳланади ва таълим жараёнини талабага мослаштиришни таъминловчи электрон таълим платформасини қўллашга имкон беради [10].

Электрон таълим – олий таълим муассасасининг индивидуал хусусиятлари, ўқитувчи ва ўқитиш сифати ва натижаларига таъсир қилувчи бошқа омилларнинг таъсирини камайтиради.



**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Юнусова Д.И. Применение информационных технологий в подготовке педагогических кадров. Информатика и образование, 2008, №11. С.51-52.
2. Юнусова Д.И. Инновации в предметно-методической подготовке будущих учителей математики. Сибирский педагогический журнал, 2008, №6. С.316-323.
3. Юнусова Д., Назаров И. Актуальность электронной формы обучения. Педагогика, 2021, №3, С.65-67.
4. Голошумова Г.С., Чернова О.Е. Возможности использования электронной образовательной платформы moodle в образовательном процессе вуза // Педагогические технологии.– М., 2017. – С. 52-58
5. Бондаренко Э.А., Хабибрахманова И.Ю. Современные образовательные технологии: Пособие для учителей. – М.: Бизнес меридиан, 2011. – 260 с.
6. Рахимов О.Д. Электрон таълим ресурсларини яратиш талаблари ва технологияси // Современное образование. – Т., 2016. – № 2.
7. Юнусова Д., Назаров И. Модулли таълим тамойиллари асосида электрон ўқув курслари яратиш. «Raқamli pedagogika: holati va rivojlanish istiqbollari» mavzusidagi Xalqaro miqyosida ilmiy-amaliy anjuman (10-dekabr, 2021-yil) – Т.: TDPU, 2021. 30-34
8. Турсунов С.Қ. Таълимда электрон ахборот ресурсларини яратиш ва уларни жорий қилишнинг методик асослари. Пед. фанл. номз. ... дис. Автореф. – Т.: ТДПУ, 2011. – 23 б.
9. Ковалева А.Г. Обучение иностранному языку студентов радиотехнических направлений подготовки на основе мультимедийных трансформаций. Дис. ... канд. пед. наук. – Екатеринбург, 2016. – 198 с.
10. Назаров И.У. Информатика дарсларида блок-модулли ўқитиш технологиясидан фойдаланиш. “Педагогик таълим”, 2011, №1. – Б.69-73.